

ЧЎЛПОН ВА “БУХОРО АХБОРИ” ГАЗЕТАСИ

Хилола САФАРОВА

*филология фанлари номзоди, доцент,
Бухоро давлат университети*

XX аср ўзбек адабиёти ва матбуоти катта бир уммондир. Бу уммонга Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Чўлпон Бухорога келганида “Бухоро ахбори” газетаси муҳаррири вазифасини Муҳаммад Саид Ахрорий бажараётган эди. Фақат у БХШЖининг (Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти) Озарбойжондаги вакили этиб тайинланиб, Бокуга бориши аниқ бўлгандан кейин Фитратнинг тавсияси билан Ф.Хўжаев уни “Бухоро ахбори” газетасига бош муҳаррирликка тайинлайди. Бу воқеа 1921 йил июнь ойининг охирида содир бўлади. Газетанинг 30 июндаги 41-сони Чўлпоннинг “Абдулхамид Сулаймон (Юнусуф)” имзоси билан чиқади. 1920 йилнинг 7 сентябридан газетанинг 40та сони ҳафтада 1-2 мартадан чоп этилиб турган. Чўлпон унга 1922 йилнинг 25 январигача (67-сонигача, жами 24 сонига муҳаррир сифатида имзо чеккан. У газетага етти ойча муҳаррирлик қилди). Бу даврда газетада босилган шеърларига, мақола ва ҳикояларига “Чўлпон”, танқидий мақола ва фельетонларига “Қаландар”, Абдулхамид Сулаймон (Юнусов), А.Сулаймон, Юнусий, Абдулхамид таҳаллусларини қўллайди.

Фитрат ва Файзулла Хўжаев Чўлпонни газетага муҳаррир этиб тайинлаш орқали, аввало, газетанинг мазлум оммага таъсирини янада кучайтириш, ёш жумҳурият ҳукумати юргизаётган сиёсат моҳиятини оммага ташвиқ этишда Чўлпон истеъдодидан фойдаланиш, иккинчидан эса, Чўлпонни имкон қадар Бухорода узоқроқ тутиб туриб, Туркистонда унга нисбатан юзага келган ғаразли муомалаю нохушликлардан омон сақлашни кўзлаган эдилар. Чўлпон ҳам, ўз навбатида, уларнинг бу ниятлари нечоғли холислигини англаган ҳолда газетага муҳаррирлик қилишга розилик берган эди. Афтидан Чўлпон бунгача “Бухоро ахбори” газетаси аҳволи, унда босилаётган материалларнинг савияси билан ҳам яхши танишган кўринади. Шу сабабли муҳаррир сифатида имзо чеккан 41-сонидаяк “Матбуот кучли бир давлатдир” мақоласини эълон қилиб, газетхонлар билан келажакдаги режаларини ўртоқлашмоқчи бўлади. Шу муносабат билан камтарлик қилиб ёзади: “Газета 41-сонидан бошлаб янги қўлга ўтди, газета бу кунгача яхши давом этган. Бунинг биз билмаймиз ва билмак учун ўқимокни ҳам истамаймиз. Бу иш газета ўқигувчиларининг ишидур”. Шундан сўнг газета атрофига “энг кучли қаламлар”, “ғайратли ёшлар” жалб этилмагани, натижада ҳамма иш биргина муҳаррирга юклаб қўйилганини, бундай аҳвол билан “Газетанинг дунёда беш кучлик давлат бўлса – олтинчиси, олтига бўлса – еттинчиси эканлигини тушунмаганлар бўлса, энди тушуна бошладилар ва

тушунмак истайлар. Газета бундан сўнг янги йўлда давом этгувсидур” деган фикрларни таъкидлайди. “Бу билан, – дейди Б.Дўстқораев, – у бир вақтлар АҚШ Президенти Томас Жефферсон томонидан матбуотга нисбатан берилган ва ҳозир ҳам истифода этилувчи “тўртинчи ҳокимият” тушунчасига ҳамоҳанг фикр айтган. (Изоҳ: кучли давлатлар беш ёки олти дейилишига сабаб, биринчи жаҳон урушидан кейин Австрия кучли давлатлар сафидан тушиб қолган. Чўлпон буни ҳисобга олган ҳолда шу фикрни билдирган)” (1, 50–51). Чўлпон газета кудратини кучли давлатга ўхшатади.

Албатта, матбуотга нисбатан қўлланаётган “тўртинчи ҳокимият” ифодаси бундан фарқ қилади ва асосан, қонун чиқарувчи парламент, ижроия ҳокимият ва суд қаторида тўртинчи ўринда турувчи назорат органи эканлигини англатади. Аммо Чўлпон белгилаган вазифалар ана шу назорат органи мақсадини англатиши жиҳатидан айрича эътиборга лойиқ: “Газета бундан сўнг янги йўлда давом этгувсидур. Янги узун-узун халққа англаниши қийин бўлган мақолалар ўрнига кўпроқ хабарлар бўлгон воқеалар ёзилгусидур”. Бу ёзилажак мақолалар олдига Чўлпон қўйган биринчи талаб, мақола қисқа, маълумотга бой бўлмоғи шарт. Иккинчи талаб: “Ҳар бир муҳим воқеага оид табиий мақолалар бўлгусидур”. Демак, мамлакатда содир бўлаётган ҳар бир воқеагаалоҳида мақола бағишланмоғи, унда воқеа қандай кечган бўлса, ўша табиий ҳолатини акс эттирувчи мазмунга эга бўлмоғи шарт. Учинчи талаб: “Ёш жумҳуриятнинг ўзининг тараққий этмоқлиги йўлинда бирмунча тўғри асосли ва яқин ҳаракатлари бўлганидек, хато ва нотўғри ишлари – ҳаракатлари бўлгондур.

Матбуот – халқнинг тилидур. Шундоқ бўлса ҳам ёш жумҳуриятнинг ёш ҳукуматига қўлидан келган қадар кўмаклашиш, хатоларини тушунтириб туриш керакдур”. Демак, тараққиёт йўлида ҳукумат юргизаётган сиёсатнинг тўғри ёки нотўғри қирраларини матбуот орқали кўрсатиб туриш – халқнинг тили ва дилидаги муддаони ифодалаши билан аҳамиятлидир. Бу ҳол матбуотнинг халқ турмушига кириб боришига йўл очишидан ташқари халқнинг давлат сиёсати моҳиятини тушуниб ва англаб олишига ҳам ёрдамлашади.

Чўлпон бу мақоласида иккита тезисни ўртага ташлайди: Биринчиси, “Матбуот – халқнинг тилидур”. Бу тезис моҳиятини юқорида очиб бердик. Айтилганларга матбуотнинг халқчил бўлиши, тилининг халқ тилида содда ва тушунарли бўлишини ҳам қўшимча қилиш мумкин. Иккинчиси, “Матбуот – ҳукуматнинг тилидур”. Яъни “бутун ҳукумат муассасаларининг қилган ишларини ва қилиб турганларини ёзиб, вақти-вақтида хабар бериб, халққа гапириб туриш керакдур”. Демак, матбуот ҳукуматнинг халқ билан жонли мулоқоти ва унга бажарган ишлари ҳақида ҳисоб бериш минбари ҳам. Ана шундай вазифаларини тўғри ва ҳаққоний бажарган “матбуот кучли бир давлат”

даражасида фаолият кўрсатишига Чўлпон ишонган ва бу мақола газетанинг кейинги фаолияти учун дастурий моҳиятга эга бўлишини тушуниб етган.

Газетанинг 1921 йил 14 августдаги 47-сонидида Чўлпон “Байрам кутлуг бўлсун!” мақоласини эълон қилган. Мақола амирлик тузуми ағдарилгандан кейин нишонланаётган Қурбон ҳайити шодиёналари билан Бухоро халқини кутлаш мақсадида ёзилган. Унда муаллиф “илгари Қурбон байрамларида мингларча сўйилгон кўйлар билан биргабир неча мингларча юрт болалари, озодлик тарафдорлари” ҳам сўйилганини, “сўйилган қурбонликлар устида кўл очиб фотиҳа қилгон кишилар билан бирга мамлакатнинг бутун аламзадалари қонли салтанатнинг фаносини тилаб дуо қилганликларини айтиб, эндиликда бу байрам “озодлик ва биродарлик асосида янги турмуш” қураётганларнинг иймон ва эътиқодлари ҳурлиги байрамига айланганини мамнуният билан таъкидлайди. Айниқса, унинг “ўз бошича бир байрам” сифатида Бухоро инқилобининг бир йиллиги арафасида нишонланаётгани, энг муҳими, «жаллодсиз, салтанатсиз, қоронғусиз ўтказиш учун ҳар қанча фидокорликдан тортинмай тургон йўқсул элнинг озодлик ичида кечирмакда бўлгон байрами»га айлангани уни беҳад энтиктирган эди. Афсуски, шўро тузуми кейинги сиёсати давомида бу байрамни қатагон қилишгача бориб етди, хайриятки, миллий истиқлол ғалаба қилди-ю, бу байрам халқимизнинг иймон ва эътиқод байрами сифатида янаўзига қайтарилди.

Чўлпон газетада мамлакат ҳаётининг турли-тумансоҳаларини ёритишга алоҳида аҳамият берди. Унинг учун воқеаларнинг катга ё кичиклигининг аҳамияти йўқ эди. Чунончи, унинг газетанинг 1921 йил 8 декабр(58-сон)даги “Театр-томоша”, 10 декабр (59-сон)даги “Азимжоннинг адабий намойиши” (Шарқ чолғу мусиқий мактаби уюштирган) ва “Комил Алматий концерти хусусида”, 14 декабр (60-сон)даги “Адабиёт кечаси”каби хабар – мақолалари Бухоро маданий ҳаётидаги ўзгаришлардан оммани воқиф этпшни кўзлайди. Жумладан, “Адабиёт кечаси” мақоласида Бухорода Фитрат ташаббуси билан ташкил қилинган”Шарқ чолғу асбоблари мусиқа мактаби”фаолиятига тўхтанилган.Унда шу мактабда мусиқа сабоғини олаётган ўттиз талабанинг ўзбек миллий созлари танбур, ғижжак, қашқар рубоби, най ва бошқаларданечоғли маҳорат билан куйлар чала олганликлари, Фитратнинг шеър ва кўшиқлар билан ёзилган бир пардали «Ўғизхон» пьесаси намойиши, Фитрат шогирдларидан бўлган уч талабанинг миллий мумтоз кўшиқларимизни домла Абдуҳалим каби маҳорат билан ижро этганликлари, уларга амир саройи кўшиқчиси Мирбобо жўр бўлиб тургани ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Шу билан бирга Чўлпон ҳали бу ижроларда талай етишмовчиликлар (баъзи куйлар чалалиги, айримлари бузиб ижро қилинган) борлигини уқтиришни ҳам унутмади.

«Чўлпон газетага раҳбар бўлишига қарамасдан, – деб ёзади Б, Дўстқораев, – муайян шаклга кирган таҳририят юзага келгунга қадар ўзи ҳам зарур ҳолларда мухбирлик ҳам, мусахҳихлик ҳам қилган. У туманларга чиқиб, материаллар ёзиб келишга ҳам имкон топган. “Фелятун” рукни остида “Бухоро ахбори”нинг бир неча сонларида “Абу Ойшанинг Кармина сафаридан хотира» материали босилган. Бу материални услубига кўра, Чўлпон қаламига мансуб дейиш мумкин” (1, 58).

Чўлпон бутун муҳаррирлиги давомида газетанинг моддий аҳволини яхшилаш, ғоявий-бадий мундарижасини юксалтириш ва ранг-баранглашувини таъминлаш, ўз вақтида нашр этилиши ва ўқувчиларига етказилишига эътибор берди ва бу масалаларга ҳукумат эътиборини қаратишни кўзлаб “Ҳукумат нашриётининг ҳоли”, “Эргашиш” каби танқидий мақолаларини ёзди. Чунончи, газетанинг 1921 йил 15 январдаги 65-сонида “Кичик хангома” рукнида “Қаландар” имзоси билан босилган “Эргашиш” мақоласида шундай танқидий мулоҳаза баён қилинган: “Ҳафтада икки марта чиқишга тегиш бўлган “Ахбор” (“Бухоро ахбори) бир марта ҳам чиқа олмайдур. Бухоро нашриётидаги “Афандим, азизим, газета чиқармоқ учун бизнинг вақтимиз йўқ. Биз “Иш варақаси” (“служебная записка”) чиқариш билан бандмиз”. Буларнинг бу жавобларига мен жуда қизардим, уялдим, индай олмадим. Эртаси куни “масъул от” ва “масъул қашлағич”га “иш варақаси” чиқса, яна индай олмайман”. Чўлпон нашриётда газетадай инжиқ нашрни амалга оширишдан кўра, хилма-хил “иш варақалари” чиқаришни афзал билганлардан ана шу хилда куюниб ёзгиради. Эрта-индин “масъул от” ёки “масъул қашлағич”га ҳам “иш варақаси” чиқаришга оид кесатиши билан нашриёт ходимларининг нақадар масъулиятсизликларини, ҳатто ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишдан уялмаганликларини юзларига солади.

Чўлпон муҳаррирликдан кетганидан кейин ҳам газета билан ҳамкорлигини давом эттирди. Ҳар гал Бухорога келганида янги шеър ва мақолаларини унда эълон қилиб турди. Чунончи, у 1923 йилнинг баҳорида Бухорода бўлганида “Ўликларга қарши”, “Уч-тўрт юлдуз” ва “Баландликда” каби учта шеърини ёзиб, шулардан “Ўликларга қарши” насрий шеърини “Бухоро ахбори” газетасининг 1923 йилги 7 май сонида эълон қилдирган.

Чўлпон ўзи муҳаррирлик қилган “Бухоро ахбори” газетасига айрича муҳаббат билан қаради, имкон қадар унинг ҳар бир сонини кузатиб борди, газетанинг полиграфияси, ундаги мақола ва шеърларнинг савияси билан мутғасил қизиқиб турди. Шу муносабат билан “Тилимизнинг ишланиши” деган махсус мақола ёзиб, 1923 йилнинг 11 апрелида “Туркистон” газетасида эълон қилди.

Чўлпон мақолани сўнгги пайтларда газета эришаётган ютуқлар ҳақидаги мулоҳазалари билан бошлайди: “Бухоро ахбори” йўлдошимизнинг шакли, босилиши ҳозир хийла текислашди. Сўнг вақтларда бу газетанинг ўз вақтида мунтазам чиқиб турғони кўруладир.

Қоғозларининг яхшилиғи, ҳарфларининг очиқлиғи, расмлик чиқиб туриши жиҳатидан бу газеталаримиз орасида биринчи ўринни тутадир. Халқимиз нодон, китоб мутолаага рағбатсиз. Уни шунга ўргатмак ва қизиқтирмак учун матбуотнинг очик, аниқ, чиройли босдирилиши катта аҳамиятлиқдир. Туркистон, Бухоро ва Хива газеталари бунга айрим диққат қилишлари керак. (“Бухоро ахбори” йўлдошимизнинг бу тўғридаги ғайратини олқишлаймиз” (2, 145).

Чўлпон ўзига яқин тутиб газетани “йўлдошимиз” деб атайди. Шундай яқинлик туйғуси газетадаги ҳар бир ўзгаришни, жумладан, газета шакли, мунтазам босилиши, қоғози, ҳарфлари ва расмларининг сифат жиҳатдан яхшиланганини кўриб, қалбан қаноат ҳосил қилишига, қолаверса, бу халқимизда матбуотга, китобга ҳавасни кучайтиришга олиб келишини эътироф этишига олиб келган. У ҳатто шу фазилатларига кўра “Бухоро ахбори”ни бошқа шундай нашрлардан олдинда туришини таъкидлаб, Туркистон ва Хивадаги газеталарни ҳам шу даражада нашр этиш лозимлигини уқтиради.

Шу билан бирга Чўлпон газета фаолиятини янада яхшилаш, ўқимишлилик даражасини кўтариш мақсадида унда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни ҳам рўй-рост мисоллар билан бирма-бир кўрсатиб ўтади. У ёзади: “Лекин йўлдошимизнинг доим кўзга қадаладурғон битга зўр хатоси бордурки, уни хайрихоҳлик билан айтиб ўтмасак бўлмайди. Бизнинг кўрсатмак истагимиз камчилик – тил, шева камчилиги, тўғриси, тилга аҳамият бермаслик хатосидир. Бош сарлавҳаси ёнида “...адабий жаридан Туркия” деб ёзилган бу газета маълумдирким, ўзбек шевасида чиқади. Бухоро ҳокимиятининг расмий тили ҳам ўзбекчадир. Бухородек форс-эрон таъсирига ортиқ ютулуб кетиб, ўз тилидан ажралиб қолгон бир ўлка учун, уердаги кўпчилик авом учун тилнинг аҳамияти жуда зўрдир. Ҳолбуки, “Ахбор” йўлдошимизда бу жиҳатга сира диққат этилмайди ёки этила олмайди” (2, 145).

Чўлпоннинг бу истаклари беиз кетмади, албатта. Газета тўқсон йилдан зиёдроқ фаолияти давомида – “Бухоро ахбори”дан “Озод Бухоро”га, “Озод Бухоро”дан “Бухоро пролетарии”га; “Бухоро пролетарии”дан “Бухоро ҳақиқати”га, “Бухоро ҳақиқати”дан “Бухоронома”га ўта туриб, унга дастлабки муҳаррирлардан бири бўлиб ишлаган, унинг фаолиятини жонкуярлик билан ташкил этган буюк шоир Чўлпоннинг шу ўғитларига амал қилиб келаётгани туфайли ҳамон у бухороликларнинг севиб ўқийдиган газетасига айланиб қолаётир. Ҳақиқатдан ҳам Чўлпон сўзлари билан айтадиган бўлсак “газета,

умуман, матбуот – кучли бир давлатдур. Буни ҳеч бир эсдан чиқармаслик керакдур”.

Адабиётлар рўйхати

1. Тарихга муҳрланган 90 йил. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010.
2. Чўлпон. Адабиёт надир? –Тошкент: “Чўлпон” нашриёти, 1994.